

Мавзу: Гандбол ўйинининг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи

Режа:

1. Гандбол ўйин тавсифи.
2. Гандбол ўйинининг келиб чиқиш тарихи.
3. Ўйин қоидаларининг ривожланиши
4. Республикамизда гандболнинг ривожланиши

1.Гандбол ўйин тавсифи.

Гандбол кенг тарқалган спорт турларидан бири бўлиб, у ўқувчи ёшларни жисмоний ривожлантириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашнинг энг оммабоп, бинобарин, энг қулай воситаларидан биридир. Бу катталар учун ҳам, ўсмир-ёшлар учун ҳам бирдек маъқул бўлган чинакам халқчил ўйин ҳисобланади. Мусобақада ўн икки ўйинчидан ташкил топган икки жамоа қатнашади. Ўйин майдони 40x20 м катталиқдаги тўртбурчакдан иборат. Ўйинда қатнашувчи жамоа ўйинчиларининг мақсади - тўпни эгаллаб олиб, дастлабки ҳимоя қилиниб турган дарвозага киритиш. Тўп билан барча ҳаракатлар фақат қўлда бажарилади. Тўп учун курашда, қаршилиқ кўрсатишда қўполлик ва спортчиға хос бўлмаган ҳаракатсиз қоидага риоя қилиниб бажарилиши лозим. Ўйин иштирокчиларнинг ёши ва жинсига боғлиқ бўлиб, 30 дақиқадан 60 дақиқагача давом этади. Ўйин вақтида ҳар бир ўйинчи ўзининг шахсий фазилатларини кўрсатиш имкониятларига эга. Аммо, шу билан бирга, ўйин ҳар бир гандболчидан ўз шахсий интилишларини умумий мақсадга бўйсиндиришини талаб қилади.

Гандбол ўйинининг асосини югуриш, сакраш, тўпни узатиш, улоқтириш каби шуғулланувчиларнинг ҳар жиҳатдан уйғун ривожланишига ёрдам берадиган табиий ҳаракатлар ташкил этади. Юкламалар организмдаги барча функционал тизимларнинг ривожланишига ижобий таъсир этади. Машғулотлар

таъсирида, шунингдек, мусобақаларда шуғулланувчиларнинг руҳий фаолияти такомиллашади, тезлик реакцияси, чамалаш, ижодий фикр юритиш, тезлик ва ташаббускорлик каби сифатлари ривожланади. Гандбол ўйини умумий жисмоний тайёргарлик учун яхши восита бўлиб хизмат қила олади. Ўйналишни ўзгартириб хилма-хил югуриш, сакрашнинг турли хиллари, максимал тезликда ҳаракат қилиш йўллари билан жисмоний сифатларни, айти пайтда иродавий ҳислатларни, тактик тафаккурини камол топиши туфайли қўл тўпи ҳар қандай ихтисосдаги талаба учун зарур бўлган спорт ўйинлари қаторидан жой олган.

Гандбол ўйини бугун мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида кенг қўлланилмоқда. Гандбол мусобақалари меҳнаткашларни мунтазам тарзда жисмоний тарбия машғулотларига жалб қилишнинг муҳим воситаси, спорт маҳоратини оширишнинг ҳамда «Алпомиш ва Барчиной» меъёрий талабларини бажаришнинг асосий омиллардан ҳисобланади.

2. Гандбол ўйинининг келиб чиқиш тарихи.

1904 йили биринчи бўлиб Дания қўл тўпи федерацияси ташкил топди. 1906 йили Копенгаген шаҳрида қўл тўпи ўйинининг дастлабки қоидалари нашр етилди. Ушбу қоидаларнинг муаллифи ҳам Х. Нилсон ҳисобланади.

11 кишидан ташкил топган жамоавий гандбол ўйини 1917-1919 йилларга тўғри келади. У пайтда футбол ва баскетбол ўйинлари бирлаштирилиб, қизлар учун мўлжалланган ўйин ўйлаб топилган, ушбу янги ўйинни дунё бўйича тарқалиб, машҳур бўлиб кетишини ҳеч ким тасаввур ҳам қилмаган еди.

Дастлаб майдон ўлчами 20х40 метр, дарвоза ўлчами енига 2 метр, бўйига 2.10 метр бўлган. Тўпнинг айланаси 68-70 см бўлган. Тўп билан югуриш ва тўп учун курашишга рухсат етилмаган. Кейинчалик ўйин қоидаларига атлетик тавсиф берувчи ўзгартиришлар киритилди. Майдон ўлчамлари футбол ўйини майдони ўлчамига тенглаштирилди, дарвоза еса 5 х 2,5 ўлчамига, кейинчалик футбол ўйини дарвозаси ўлчамига етказилди.

1923 йилда мусобақа қоидаларига янги ўзгартиришлар киритилди, “уч қадам” ва “уч сония” каби ўзгартиришлар кейинчалик ўйин темпини ошишига сабаб бўлди.

1926 йилда Гаагада Халқаро ҳаваскор атлетлар спорт федерациясининг конгрессида махсус комиссия ташкил қилинди, унинг вазифаси кейинчалик ушбу спорт турини риволантириш ва оммавийлаштришдан иборат еди. Шундан кейин гандбол бошқа спорт турлари каби дунё бўйича ривожлана бошлади.

1928 йилда Амстердамда Халқаро ҳаваскорлар гандбол федерацияси (ИАГФ) ташкил қилинди. Дастлаб федерацияга 11 та давлат аъзо бўлган, 2 йилдан кейин 20 давлат кирган, ҳозирда Халқаро гандбол федерациясига (ИГФ) 123 та давлат аъзо бўлиб, дунё бўйича шугъулланувчилар сони 7 миллиондан ошиб кетган.

1936 йилда гандбол олимпия спорт турлари қаторига киритилди. Олимпия мусобақалари даврида Халқаро ҳаваскорларнинг ИВ конгресси бўлиб ўтди, унда 1938 йилда Германияда 7х7 ва 11х11 гандбол бўйича еркаklar ўртасида жаҳон биринчилиги ўтказилиши белгиланди. Иккала биринчиликда ҳам немец жамоалари чемпионликни қўлга киритишди.

Икинчи жаҳон уриши барча спорт турлари каби гандболни ҳам ривожланишини тўхтатиб қўйди. Ҳаваскорлар федерацияси ҳам ўз фаолиятини тўхтатди.

Уриш тугаши билан 1946 йилда янги Халқаро гандбол федерацияси ИГФ ташкил топди ва ўйин ривожланишига катта бурилиш ясади. Ушбу федерациянинг таъсис конгрессида ўйин қоидаларига бир қанча ўзгартиришлар киритилди ва еркаklar ўртасида 11х11 гандбол ўйинининг жаҳон биринчилиги ўтказилиши белгиланди. 1948 йили Францияда бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида 12 та жамоа қатнашиб, Швеция терма жамоаси биринчи ўринни егаллашди.

1949 йил Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган аёллар ўртасида жаҳон

биринчилигида Венгрия терма жамоаси ҳаммадан кучли эканини исботлади. Кейинчалик жаҳон биринчилиги ҳар тўрт йилда бир мартаба ўтказилиши қабул қилинди. Ҳаммаси бўлиб 11х11 гандбол ўйини бўйича 7 та еркаклар ва 3 та аёллар жаҳон биринчилиги ўтказилган.

7х7 гандбол ўйинининг ривожланиши “катта гандбол” ўйини билан бир вақтнинг ўзида паралелл равишда бўлган. Биринчи халқаро қоидалар 1934 йилда қабул қилинган. “Кичик гандбол” айниқса скандинавия давлатлари спортчиларида кўпроқ қизиқиш уйғотди. 1936 йилда Дания ва Швеция терма жамоалари ўртасида учрашув бўлиб ўтди, унда Данияликлар гъалаба қозонишди.

Халқаро гандбол федерацияси 11х11 гандбол ўйинини ривожлантиришга катта эътибор қаратди, аммо ушбу ўйинга бўлган қизиқиш камайиб “кичик гандбол” ривожлана бошлади. 1954 йилда фақатгина 4 жамоа ўзаро бахслашишди, бунда мезбонлар гъалаба қозонишди. 7х7 гандбол ўйини бўйича биринчи жаҳон биринчилиги 1957 йили аёллар ўртасида Югославияда очик майдонда ўтказилди. Чехославакия терма жамоаси гъалаба қозонишди.

1936 йил Берлиндаги ХИ олимпиада ўйинларида 6 та еркаклар жамоалари мусобақалашдилар. Кейинги олимпия ўйинларида гандболчилар қатнашмадилар, чунки мусобақа дастурларига гандбол спорт тури кирилмаган еди. Фақатгина 1972 йили Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтган XX Олимпияда ўйинларида мусобақа дастурига еркаклар жамоаси киритилди. 1976 йилда еса Монреал шаҳрида ХХИ Олимпиада ўйинларига аёллар жамоалари ҳам киритилди.

Гандбол ривожланиш тарихини бир қанча даврга бўлиш мумкин:

1898-1941 йиллар – ўйиннинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва ташкил топиши;

1946-1957 йиллар – асосан 11х11 гандбол ўйинининг ривожланиши;

1957-1972 йиллар – 7х7 гандбол ўйининг оммалашуви;

1972 йилдан кейин – ўйиннинг бутун дунё бўйлаб оммавийлашувининг замонавий даври.

3. Ўйин қоидаларининг ривожланиши

Бирламчи гандбол қоидалари жуда оддий бўлиб, асосан қиз болалар жамоалари учун мослашган еди. Секин-аста ўйин қийинлашиши билан қоидалари ҳам такомиллаша борд. Хозирда гандбол атлетик ўйин деб ҳисоблансада, еркаклар ва аёллар ўртасида бир хилда оммавийлашгандир. Жаҳонда кучли гандболчилар - епчиллик, тезкорлик, чидамлилиқ сифатлари ва мускуллари ривожланган атлетлар ҳисобланади.

Ўйин қоидаларининг ривожланиши - ижодий жараён бўлиб, бунда жиҳозларнинг такомиллашувини таъсири, майдон ўлчамларининг ўзгариши, ўйин вақти, ўйин техникаси ва тактикасининг ўзгаришлари ва уларни жаҳондаги кенг тарқалиши билан ифодаланади.

Замонавий ўйин қоидаларидаги катта аҳамиятга ега бўлган ўзгаришлардан бири шундан иборатки, барча майдон ўйинчилари ҳужум ва ҳимоячи вазифасини бажариш имкониятларига егадирлар. Эски ўйин қоидаларига кўра ўйин майдони уч зонага ажратилган: биринчи жамоа майдони, ўрта майдон ва кейинги, жамоа майдони.

Хар бир зонада маълум бир ўйинчилар жойлашиши мумкин: дарвозабон ва ҳимоячилар ўзларининг майдонида ҳаракат қилиши, ярим ҳимоячилар ўрта зонада, ҳужумчилар ўрта ва рақиб жамоасининг ҳимоячилари зонасида ҳаракатланиши мумкин еди. Натижада ҳужумда учта ҳужумчига учта ҳимоячи ва дарвозабон ҳимояланиш имконияти мавжуд бўлган. Демак, ўйинда мураккаб тактик ҳаракатлар тўғрисида сўз бўлиши ҳам мумкин емас еди.

Ўйин қоидаларининг ривожланишига албатта майдон ўлчамлари ва жиҳозлари ҳам катта таъсир етган.

Майдонни юқори сифатли замонавий қопламалар билан қопланиши, тўпнинг кичик ўлчамдалиги ўйин усуллари бажариш техникасига таъсир

кўрсатди. Тўпни бир қўлда бармоқлар ёрдамида тутиб туриш мумкин. Бу еса тўп узатиш ва отишда турли ҳил усулларни егаллаш имкониятини яратиш билан бирга ўйин тактикасини бойишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўйин қоидаларини такомиллашиб бориши билан, тактик ҳаракатлар ҳам қийинлашди. Енди барча майдон ўйинчилари ҳимояда ҳам ва ҳужумда ҳам бирдай ҳаракатланиши мумкин.

60-йилларгача ён чизикдан тўпни ўйинга киритиш ва еркин тўп отишлар ҳакамлар ҳуштаги билан амалга оширилган. Бу еса ўйин суръатини камайтиришга олиб келган. Кейинчалик янги қоидага асосан ушбу ҳолатларда ҳакам ҳуштагисиз тўп ўйинга киритилган.

Гандболда бўйдор ўйинчиларнинг кўпайиши билан ҳимоя тактиксига сезиларли ўзгартиришлар киритилди. Марказий ҳимоячиларнинг бақувватлиги ва дарвозабонларнинг епчиллиги натижасида дарвозага тўп киритиш имконияти бирмунча чекланди. Ҳимоя ҳужум устидан ўз ҳукмини ўтказа бошлади, бу еса ҳужум вақтини чўзилишига олиб келди, курашиш ва ўйин жадали пасайди. Буни олдини олиш мақсадида 1975 йилда ўйин қоидасига ўзгартириш киритилиб, ҳужумда тўпни олиб юришга 45 сония вақт ажратилди. Ҳозирда еса суст ўйин ҳакамларга богълик. Шу каби ўзгаришлар йиллар давомида киритилиб, гандбол ўйин сураътини ошишига ва жаҳонда оммовийлашишига олиб келди.

4. Республикамизда гандболнинг ривожланиши

1938 йилда Республикамизда гандбол бўйича биринчи чемпионат ўтказилди. 1960 йилгача Ўзбекистонда Тошкент Олий Ҳарбий билим юртида талим олувчи курсантлар орасида 11x11 қўл тўпи мусобақалари ўтказилган. 1960 йили Харьков шаҳрида ёшлар орасида қўл тўпи бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари ўтказилди ва шундан сўнг спортнинг бу тури мамлакатда тез ривожлана бошлади.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида илк бор қўл тўпи

мутахассислиги бўлими очилди. 1960 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар биринчиликларида 16-20 жамоа қатнаша бошлади ва Ўзбекистон гандболчиларининг собиқ Иттифок мусобақаларида қатнаша бошлаган йили деб қайд етилди. 1962 йили Тбилиси ва Свердлов шаҳарларида ўтказилган иккинчи собиқ Иттифок чемпионатида еркаклар орасида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок етиб, олий лигага ёълланма олди.

Ўзбекистон терма жамоасини ташкил етган Ф. Абдурахмонов, М. Жуков, Б. Пикин, В. Огиренко, М. Сиротенко, М. Магдуллин, А. Олейников, Н. Рахматов, А. Пантасенко ва А. Содиков ЎзДЖТИ ва Тошкент Ирригация институти жамоалари вакиллари еди. Собиқ Иттифок чемпионатларида жамоага В. Севастьянов ва В. Лемешковлар мураббийлик қилган.

Ўзбекистон гандбол -чилари 1972-1973 йилларда юқори натижаларга еришдилар. Улар собиқ Иттифокда олий лига жамоалари орасида ўтказилган чемпионатда олтинчи ўринни егалладилар. ЎзДЖТИ жамоаси Бутуниттифок талабалар ўртасидаги мусоба-қаларда уч карра гъолибликни қўлга киритди.

Ўзбекистон қизлар терма жамоаси 1975 ва 1983 йилларда собиқ Иттифок халқлари Спартакиадасида фахрли олтинчи ўринни егаллади. 20 дан ортик қизларимиз спорт устаси талабларини бажардилар. Шулар жумласидан ўзбек қизи Маргъуба Артиқбоева Ўзбекистонда биринчи бўлиб шу унвонга ега бўлди.

Тошкентда дастлабки ёшлар ва ўсмирлар спорт мактаблари 60-йилларда очилди ва собиқ Иттифок мактаб ўқувчилари спартакиадаларида мунтазам иштирок етиб, 1975 йили қизлар 3-ўринга, ўсмирлар еса 1979 йили олтинчи ўринга сазовор бўлишди. Кейинчалик ушбу спорт мактабларида шугъуланган жаҳон ва Олимпия чемпионлари Виктор Махорин, Михаил Васильев, ёшлар ўртасида жаҳон чемпионлари С. Землянова ва О. Зубарева, собиқ Иттифок терма жамоаси таркибига қабул қилинган С. Орлов, В. Антонов, С. Калмиков, Г. Травкин, И. Ахмадиев, Б. Прохоровлар «Ўалқаро спорт устаси» унвонига

сазovor бўлганлар.

Ўзбек гандболчиларини тайёрлашдаги фаол меҳнатлари учун Ф. Абдурахмонов, В. Каплинский, В. Огиренко, Е. Головченко, В. Конаплев, В. Изааклар «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвони билан тақдирландилар.

Мустақил Ўзбекистонда 1992 йили қўл тўпи федерацияси ташкил етилиб, 1993 йили Ҳалқаро ва Осиё федерацияларига қабул қилинди.

1992 йилдан Ўзбекистонда еркаклар ва аёллар ўртасида чемпионатлар ўтказилиб келинмоқда.

1994-1996 йилларда Марказий Осиё давлатлари клублари ўртасида ўтказилган чемпионатда «Д-клуб» (ЎзДЖТИ) гандболчи қизлари гъалабага еришдилар. Ш.К. Павлов ва Ф.А. Абдурахмоновлар раҳбарлигида ЎзДЖТИ талаба қизлари асосида таркиб топган Республика терма жамоаси 1997 йили Иорданияда ўтказилган Осиё чемпионатида қатнашиб, Ўзбекистон жамоалари орасида спорт ўйинлари бўйича биринчи марта жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига ега бўлди. 1997 йилнинг декабр ойида Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Хитой, Бразилия ва Уругвай жамоаларини ортда қолдириб, Ўзбекистон гандболини дунёга танитди.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Гандбол ўйинининг тавсифи ?
2. Гандбол ўйинининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ?
3. Гандбол ўйини бўйича қачондан бошлаб жаҳон чемпионатлари ўтказилмоқда ?
4. Гандбол қачон олимпия ўйинлари дастурига қўшилган ?
5. Собиқ Иттифокда қўл тўпи бўйича биринчи марта қачон мусобақалар ўтказилган ?
6. Ўзбекистонда гандболнинг ривожланиши ?
7. Гандбол бўйича Ўзбекистоннинг Олимпия чемпионларини санаб беринг ?

8. Ўзбекистонда гандбол бўйича хизмат кўрсатган мураббийлардан кимларни биласиз?

9. Ўзбекистонлик гандболчилар биринчи марта жаҳон чемпионатида қачон иштирок этганлар?

Фойдаланилган адабиётлар

1. В.Я.Игнатъева «Гандбол» Учебное пособие Москва 1983. ФиС
 2. Ш.К.Павлов, Ф.Абдурахманов, Ж.Акрамов «Гандбол» (дарслик) УзДЖТИ нашриёти 2005 й.
 3. М.П.Шестаков «Гандбол. Тактическая подготовка. Спорт. Академ. Пресс». Москва 2001 й.
- <http://www.ziyonet.uz/><http://www.pedagog.uz/>
<http://www.rutracker.org><http://www.olympic.uz/>
<http://www.olympic.uz>